



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 4 июнь, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (12.670)

Баҳоси эркин нарҳда



Сўз — халқаро конференция
иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЎКИН БОЗОРЛАРИДА МАМЛАКАТИНГИЗ ФАРОВОНЛИГИ НАМОЁН

Тошкентда 5-6 июнь кунлари
«Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини
амалга оширишнинг муҳим
захиралари» мавзусида халқаро
конференция бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманда АҚШ, Хитой, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Австрия, Ҳиндистон, Озарбойжон, Бельгия, Болгария, Венгрия, Индонезия, Латвия, Литва, Польша ва Словакия каби давлатлардан олимлар, экспертлар, инвесторлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари иштирок этади.

Анжуман қатнашчилари юртимизга кела бошлади. ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Майкл УИЛСОН, Корнелл университетининг боғдорчилик бўйича катта илмий ходими (АҚШ):

— Ўзбекистонда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ҳам изчил ривожланмоқда.

Юртингизга бундан уч йил аввал ҳам келганман. Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларни зиёрат қилиш бахтига мушарраф бўлганман. Улардаги маҳобатли мадрасалар, миноралар, бир-бирига ўхшамайдиган замонавий бинолар хотирамда муҳрланиб қолган. Қадимий шаҳарларингизда ўтмиш ва замонавийлик ёнма-ён яшайди.

Мамлакатингиздаги музей ва галереялар эстетик завқ берса, меҳмондўст халқингиз билан муомала қилиш киши баҳри-дилини очади. Менга Нукусдаги И.Савицкий номидаги Санъат музейи жуда ёқади. У ердаги ноёб асарлар инсонни беихтиёр сеҳрлаб қўяди.

Ўзбек миллий таомлари — палов, кабоб, сомса, турли хил нон ва қулчаларнинг таъми оғзимда қолган. Серкўёш ўлкангизда етиштирилаётган полиз экинларини, айниқса, қовунни яхши кўраман.

Дунё мутахассисларини бир жойга тўплайдиган мазкур халқаро конференция ўзбекистонлик олим ва мутахассислар, ишбилармонлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, соҳадаги янгилик ва кашфиётлардан баҳардор бўлиш, фикр ва тажриба алмашиш имконини беришидан жуда мамнунман. Анжуман доирасида Ўзбекистоннинг боғдорчилик тармоғидаги илмий тадқиқотлар, ютуқлар, бу соҳани такомиллаштириш борасида олиб борилаётган улкан ишлар ҳамда бой тажриба билан яқиндан танишишни мўлжаллаганман.

Ева ВИЕТСМА хоним, Вагенинген университети халқаро маркази лойиҳа раҳбари, профессор (Нидерландия):

— Ўзбекистонда ўтказиладиган конференция фойда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у озиқ-овқат захирасини яратиш бўйича дунё мамлакатлари олимлари ва соҳа мутахассислари ўртасида фикр алмашиш имконини беради, бу борадаги Ўзбекистон тажрибаси ўрганилади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар хорижликларнинг ҳамкорликка қизиқишини оширмоқда. Университетимизда ишлайдиган тадқиқотчи ёш ўзбек олими Иброҳим Абдурахмонов билан илмий ҳамкорлик қилмоқчи. Яна бир ҳамкасбим Ўзбекистонда картошка етиштириш бўйича фермерлар билан тажриба алмашишни мақсад қилган.

(Давоми 2-бетда)



БУГУН шаҳримиздаги «Ўзқўرғазмасавдо» марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва бошқа ҳамкорлар томонидан ташкил этилган навбатдаги Тошкент шаҳар ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини бошлади.

САНОАТИМИЗ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

— Тошкент шаҳар ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказишдан асосий мақсад — корхоналар ўртасида узок мuddатли барқарорлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Шу мақсадда мамлакатимизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни қўлайтириш тўғрисида»ги Қарори бу йўналишда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Божхона хизмати масканларида товарларни махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш амалиёти жорий этилган шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда «маркировка» сўзига қисқача изоҳ берсак. Бу импорт қилинадиган товар идишидаги матн, расмлаш ёки маълумот берувчи белгилар бўлиб, ана шундай маркировка, яъни махсус серияли рақам орқали яқинда товарнинг қачон, қандай ишлаб чиқарилгани, сифати ва яроқчилигини билиш мумкин. Бу божхона ва солиқ органлари ишини энгиллаштириб, товарни қайта экспертизадан ўтказиш каби ортқик оворагарчиликларга барҳам бераётди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидан маълум қилишарча, эндиликда мамлакатимиз ҳудудида махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркланмаган шаклда сотиш ва саклаш тақиқланади. Бу каби ҳолатлар учраган тақдирда уларга савдо қондаларини бузиш, деб қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 5 февралдаги «Импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини маркировка қилиш ва божхонада расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайди. Чунки шу асосда ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини маркировка қилиш ва божхонада расмийлаштириш қондалари тасдиқланди.

— Қарорга кўра, истеъмол улаковчасига ёки идишига эга бўлган дори-дармонларни импорт қилиш давлат тилида мажбурий маркировка қилинган ҳолда амалга оширилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Бехзод Бердиев. — Табиийки, бу аҳолига дори воситасини қандай қабул қилиш ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишда қўлай имконият яратади. Боиси, шу пайтгача хориждан келтирилган кўпчилик дорилар идишидаги маълумотлар фақат хорижий тил-

лайманкулов. — Ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ишида шаҳарнинг 200 га яқин корхоналари иштирок этаётган бўлиб, уларнинг 90 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир. Биржада саноатнинг турли тармоқлари маҳсулотлари, жумладан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, энгил, электротехника, кимё, нефть кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати, шунинг

дек хусусий тадбиркорлар ва хунармандлар маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳияти ва саноатида эришилган ютуқлар билан кенг таништириш учун ярмарка-биржага саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарлари, шаҳар ва вилоятлар тадбиркорлари, хорижий компаниялар ва савдо уйлари вакиллари, техник йўналишдаги олий ўқув юртлари ва коллежлари талабалари таклиф этилган.

(Давоми 2-бетда)

Ҳар бир давлат ўз ички бозорини ҳимоя қилиши табиий. Чунки четдан кириб келаётган товарларнинг барчасини ҳам сифатли ёки истеъмолга яроқли, деб бўлмайди.

МАҚСАД — ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Хориждан келтирилаётган маҳсулотларнинг сифатига жиддий эътибор бериш, шу йўл билан аҳоли саломатлиги ва миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Шу мақсадда мамлакатимизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни қўлайтириш тўғрисида»ги Қарори бу йўналишда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Божхона хизмати масканларида товарларни махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилиш амалиёти жорий этилган шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда «маркировка» сўзига қисқача изоҳ берсак. Бу импорт қилинадиган товар идишидаги матн, расмлаш ёки маълумот берувчи белгилар бўлиб, ана шундай маркировка, яъни махсус серияли рақам орқали яқинда товарнинг қачон, қандай ишлаб чиқарилгани, сифати ва яроқчилигини билиш мумкин. Бу божхона ва солиқ органлари ишини энгиллаштириб, товарни қайта экспертизадан ўтказиш каби ортқик оворагарчиликларга барҳам бераётди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасидан маълум қилишарча, эндиликда мамлакатимиз ҳудудида махсус назорат идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарларини маркланмаган шаклда сотиш ва саклаш тақиқланади. Бу каби ҳолатлар учраган тақдирда уларга савдо қондаларини бузиш, деб қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 5 февралдаги «Импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини маркировка қилиш ва божхонада расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайди. Чунки шу асосда ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини маркировка қилиш ва божхонада расмийлаштириш қондалари тасдиқланди.

— Қарорга кўра, истеъмол улаковчасига ёки идишига эга бўлган дори-дармонларни импорт қилиш давлат тилида мажбурий маркировка қилинган ҳолда амалга оширилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Бехзод Бердиев. — Табиийки, бу аҳолига дори воситасини қандай қабул қилиш ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишда қўлай имконият яратади. Боиси, шу пайтгача хориждан келтирилган кўпчилик дорилар идишидаги маълумотлар фақат хорижий тил-

ларда ёзилган бўлиб, бу беморларга улардан фойдаланишда ноқулайлик туғдиради. Шу маънода, дори-дармонларга оид маълумотлар аҳолига тушунарли тарзда тақдим этилаётгани фуқароларнинг саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётди.

Импорт қилинадиган дори-дармонларни маркировка қилиш истеъмол улаковчасига ёки идишига истеъмолчи учун давлат тилидаги ахборотни жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Бунда улаковчада қўшимча маркировка талаб қилинмайди.

Давлат тилидаги маркировка ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўйилмаган импорт қилинадиган дори-дармонлар улар мамлакатимиз ҳудудида олиб кирилгандан кейин, божхона омборида саклаш вақтида маркировка қилишга йўл қўйилади.

Дори-дармонлар маркировкасининг давлат тилидаги матни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори-дармонлар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

Давлат тилидаги маркировка истеъмолчи учун тўлиқ ва ишончли бўлиши керак. Товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари ва тавсифи, шунингдек, ишлаб чиқарувчи корхонанинг маркировкасидаги бошқа маълумотлар давлат тилида кўрсатилиши зарур.

Давлат тилидаги маркировкага ишлаб чиқарувчи корхонанинг бошқа тиллардаги маркировкасида мавжуд бўлмаган қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин эмас. Маркировка қилиш жараёнида давлат тилида баён қилинган маълумотларни бошқа тиллардагисига солиштириш ва таҳлил қилиш имконини бермайдиган ҳолатга йўл қўйилиши ман этилади.

Давлат тилида маркировка қилиш амалиётининг тўлиқ йўлга қўйилиши импортёр корхона ва ташкилотлар учун товарни мамлакатимиз ҳудудида олиб киришда катта қўлайлик яратади. Бунинг учун улар импорт қилиш бўйича шартнома шартларида товарни Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида маркировка қилишни назарда тутиши ва уни ўз вақтида бажариши керак.

Товарни эркин муомала (импорт) учун чиқариш божхона режимида расмийлаштириш уни товардаги маркировка билан танлаб солиштиргандан кейин божхона органлари ходимлари томонидан амалга оширилади. Давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган товарлар давлат тилида маркировка қилинмаган шаклда эркин муомала (импорт) учун чиқариш божхона режимида божхонада расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Буларнинг барчаси аҳолини юқори сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, ички бозорни қалбаки товарлардан муҳофазалашга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» республика кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Қорақалпоғистон Республикаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида чет тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилди. Тингловчилар компьютер, мультимедия, интерфаол усуллардан фойдаланиб, илғор педагогик технологиялар бўйича тажриба алмашди.

• Қашқадарё вилоятидаги Касби, Китоб ва Шаҳрисабз туманларининг чекка қишлоқлари — Комилон, Юқори Майманок, Варганзадаги таълим ва тиббиёт муассасаларига кўёш батареялари ўрнатилди.

• Самарқанд вилоятининг Катта-қўрғон туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу куни янги бинода илк бор никоҳи қайд этилган оилаларга вилоят адлия бошқармаси ва туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

• «Урганч» халқаро аэропортида янги йўловчи терминали иш бошлади. Янги бино «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» давлат унитар корхонаси томонидан лойиҳалаштирилиб, «93-махсустрест» очик акциядорлик жамияти курувчи ва муҳандислари томонидан жаҳон стандартлари асосида реконструкция қилинди.

• Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Пшағар қишлоғида тарихий ўлкашунослик музейи очилди. Вилоят ўлкашунослик музейи Зомин филиалининг бўлими сифатида фаолият юритадиган ушбу масканга 500 дан зиёд экспонат қўйилди.

ЖАҲОНДА

• Хитойнинг Чунцин шаҳрида бўлиб ўтган юқори технологиялар кўرғазмасида Ойда ҳаракатланадиган янги мослама кенг омма эътиборига ҳавола этилди. Ушбу аппарат ХХРнинг муҳофаага оид фан, техника ва саноат бош бошқармаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, икки кишилик экипаж учун мўлжалланган. Айтиш керакки, 2013 йил 14 декабрда «Юйту» номли Ойда ҳаракатланадиган мосламани учирган Хитой Россия ва АҚШдан сўнг ўз космик аппаратини Ой юзасига муваффақиятли қўндирган учинчи мамлакатга айланди.

• Ҳиндистон шимолидаги Уттар-Прадеш штатида йўловчи поездининг юк поезди билан тўқнашиб кетиши натижасида юзга яқин киши жароҳатланган, қирқ киши ҳалок бўлган. Ҳозирда ҳалокат ҳақидаги хабарни эшитгач, қочиб кетган ушбу ҳалокат жойига яқин бўлган станция бошлиғига нисбатан қидирув эълон қилинган.

• Футбол қироли Пеленинг ўғли, «Сантос» клубининг собиқ дарвозабони Эдсон Чолби Насименту гиёҳванд моддалар савдосидан тушган пуллар билан боғлиқ ишлардаги иштироки учун ўттиз уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳозирда оммага кўпроқ Эдиньо номи билан танилган қирқ тўрт ёшли Насименту суднинг ушбу ҳукми устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

САНОАТИМИЗ УЛКАН САЛОҲИАТИНИНГ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳар ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида Тошкент, Фарғона, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари корхоналари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Ярмарка-биржада намоийш этилаётган маҳсулотлардан янги ўзлаштирилган коммунал хўжалиги учун махсус автомобиль техникаси, турар жой мавзелари ҳудудлари учун болалар ўйингоҳлари, умумий овқатланиш объектлари ошхоналари учун махсус ускуналар, тиббиёт техникаси, соғлиқни сақлаш объектлари учун дори воситалари, мебель, спорт товарлари, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва спорт иншоотлари учун жиҳозлар, анжомлар ҳамда ўйин маҳсулотлари айниқса эътиборга лойиқ.

Эътиборли жиҳатларидан яна бири, Тошкент шаҳри тендида пойтахтнинг иқтисодий, инвестиция салоҳияти ва экспорт имкониятлари намоийш этилган.

— Юртимизда ёш тадбиркорлар учун кўплаб имкониятлар яратилмоқда, — дейди «Guljahon Baraka» оилавий корхонаси раҳбар ўринбосари Қамарбек Жўраев. — Мазкур кўргазмада тол, тут дарахтидан тайёрланган, тўй-ҳашам, уй-рўзгор, пардоз буюмлари учун ишлатиладиган турли хил кўринишдаги сават маҳсулотларимиз билан қатнашмоқдамиз. Кўргазмага таширф буюрувчилар орасида ушбу хунар сир-асорларини ўрганмоқчи бўлган ёшлар ҳам мавжуд.

Ярмарка-биржасида солиқ, божхона хизматлари, банклар, молия ва статистика идоралари, газначилик ва республика товар-хон ашё биржаси мутахассислари томонидан хўжалик

субъектлари фаолияти билан боғлиқ барча масалалар ва бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар бўйича маслаҳатлар берилиши ташкиллаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорларида мувофиқ ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари турли танловлар ўтказиш йўли билан статистика, банк, божхона ва солиққа оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича тадбиркорларнинг билимларини баҳолаш кўзда тутилган.

Ярмарка-биржа доирасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг маълумотлар базаси, шаҳарнинг тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги салоҳияти, жумладан, тадбиркорлар учун мўлжалланган бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари ва қувватлари, айрим кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиш истиқболлари тўғрисида тақдимотлар ўтказилиши белгиланган.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Партиялар фаолиятдан

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўзбекистон «Адолат» Социал демократик партияси Тошкент шаҳар ва Олмазор туман Кенгаши ташаббуси билан партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда ёшларга доир давлат сиёсатининг олиб борилиши» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сонли академик лицейда бўлиб ўтган мазкур тадбирда депутатлар, партия фаоллари ҳамда таълим муассасасининг педагог ходимлари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Раъно Гаимова мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари ҳамда бу борадаги ислохотларнинг ҳозирги босқичида белгиланаётган чора-тадбирлар, хусусан, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели»га ҳамда кучли ижтимоий сиёсат принципларига асосланган ҳолда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари Бош Қомусимиз ва қатор қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган, — деди жумладан маърузачи. — 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратишга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг қонуний асосини яратиб берди. Шунингдек, Оила кодекси, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги бир қатор қонунлар ёшлар тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этишда, иш билан таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий база вазифасини ўтамоқда.

Шу маънода Юрбошимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мустақиллик йилларида босқичма-босқич олиб бориладиган, тадрижий ислохотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Қарорга биноан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокчини таъминлаш, юксак маънавият, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илим-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида, давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдирларини инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури» маъқулланди.

Унда кўзда тутилган чора-тадбирлар қўламини ҳам кенг бўлиб, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, суд-ҳуқуқ соҳаларини ўзидан мустаҳкамлаштирган.

Давра суҳбатда таъкидланганидек, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ёшларга аҳолининг энг илгор қатлами, Ватанга келажакнинг муҳим пойдевори сифатида қарабди ҳамда ўз сафларидаги 50 мингга яқин «ёш адолатчилар» орқали навуқрон авлоднинг ҳар томонлама баркамол шахслар бўлиб вояга етишлари, замонавий билимларни эгаллаган, мамлакатимиз келажакни ўз тақдирига дахлдор деб биладиган, ташаббускор ва фаол ёшлар авлодини шакллантиришни мақсад қилган ҳамда бу борада бир қатор лойиҳалар ўтказилиши белгиланган.

Шунингдек, тадбирда «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ қабул қилиниши кўзда тутилган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳасидан қўзланган мақсад ва унда белгиланадиган вазифалар ҳусусида иштирокчиларга маълумот берилди.

Қизгин ва амалий руҳда бўлиб ўтган давра суҳбатидан ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Бобур ОТАМУРДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ва туман Кенгаши ташаббуси билан туман «Фан аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилигида «Ўзбекистон ХДПнинг ёшларни миллий ўзлигини англаш, тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда мафқуравий иммунитетини шакллантиришдаги ўрни ва роли» мавзусида сиёсий ўқув машғулотини ўтказди.

Ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли, соғлом фикрли, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш каби хайрли мақсад йўлида ташкил этилган ушбу тадбирда ёшлар қанотлари етакчилари, партия фаоллари ва маҳалла фуқаролари ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган ЎзХДП Юнусобод туман Кенгаши раиси Н. Эшметова, «Бободехқон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Т. Эргашева ва «Нуроний» жағфармаси туман бўлими раиси А. Гулямовлар мавзу доирасида сўз юритиб, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб, шунингдек, бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмлари, ёшларнинг мафқуравий иммунитетини оширишга йўналтирилган тарғибот ишларини қучайтиришга эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

«Фидойи ёшлар — эртанги ишонч» шиори остида ўтган ушбу тадбир тақдиф ва тавсиялар, савол-жавоблар билан ниятда жонли, фикр-мулоҳазаларга бойлиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдириди.

Маргарита АХМАДБЕКОВА,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари

Анжуманлар

АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖЛИ БОЛАЛАР УЧУН ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълим-тарбия олиши, имкониятига мос касб-хунар эгаллашига катта эътибор қаратилмоқда.

2004 йилда ташкил этилган Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази имконияти чекланган болаларни тиббий, педагогик-психологик реабилитация қилиш, кучли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг жамиятга интеграциялашувига яқиндан қўмаклашиш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, болаларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази бир қанча халқаро ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Европа Иттифоқи томонидан тақдим этилган ва марказ билан ҳамкорликда олиб борилаётган «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» мавзусидаги лойиҳага мувофиқ Ўзбекистонда 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларнинг таълим сифатини ошириш ва уларнинг мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич умумтаълим мактабларига интеграциясига қўмаклашиш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳа доирасида дастлабки конференция кунни кеча шаҳримиздаги «Grand Mir Hotel» меҳмонхонасида ўтказилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутatlари, республикамиздаги қатор вазирилик ва ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, бир нечта халқаро ташкилотларнинг етакчи мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мазкур лойиҳани ўтказишдан мақсад мамлакатимизда 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларнинг таълим сифатини ошириш, уларнинг мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич умумтаълим мактабларига интеграциясига қўмаклашиш ишларини олиб боришдан иборат. 2014 йил мартдан — 2016 йил февралгача мuddат давомида амалга оширилаётган

лойиҳа доирасида Тошкент, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари қамраб олинди. Лойиҳа ҳамкорлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, шунингдек, қатор нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари ҳисобланади. Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг оилалари, дўстлари ва ўқитувчилари ҳам мазкур лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Конференцияда лойиҳа фаолиятининг асосий турлари ва қўтилаётган натижалар таҳлили тақдим этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда қўлла-нилаётган алоҳида эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш юзасидан қўйилган дастлабки қадамлар ҳусусида сўз бошди. Шунингдек, икки нафар халқаро эксперт иштирокида Европадаги инклюзив таълим соҳасидаги таъминотлар ва сўнгги тенденциялар муҳокама қилинди.

Инклюзив таълим бўйича лойиҳадан қўтилаётган асосий натижалар ҳусусида эҳтиёжли болалар учун тенг ва инклюзив ёндошуви таъминлаш бўйича узоқ мuddатли стратегия ишлаб чиқиш, ўқитувчи ва ёрдамчи ходимлар учун ўқув режаларига интеграцияланган инклюзив таълим бўйича тақомиллашган таълимий моделлар ва ўқитувчи дастурлари ишлаб чиқиш, мамлакатда алоҳида эҳтиёжли одамларнинг интеграциясига қўмаклашиш бўйича жамоатчилик хабардорлигини ошириш, бешта вилоятда Ресурс марказларини тайёрлаш, 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган алоҳида эҳтиёжли, камидан 840 та болани мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларига жалб этиш, мақсадли муассасаларнинг камида 670 нафар ўқитувчиси ва 170 ходимларини ўқитиш, 1350 га яқин бола ва ота-оналарга маслаҳат ва қўмак беришдан иборат.

Зарнигор РАҲМОНОВА



«Ўзэкспомарказ»да агросаноат комплекси учун минитехнологиялар ва «ихчам»ас-боб-ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominitech Expo – 2014» IX халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг «Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2014» III халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгаши томонидан ташкил этилди.

Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЎКИН БОЗОРЛАРИДА МАМЛАКАТИНГИЗ ФАРОВОНЛИГИ НАМОЁН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мен кўплаб мамлакатларда бўлганман. Қайси давлатга бормай, ўша ернинг бозорини айланишни, озиқ-овқат саноати ривожини билан танишишни одат қилганман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, кўплаб мамлакатларда Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар ва полиз екинлари севиб истеъмол қилинади, жуда қадрланади.

Юртингизда тайёрланган нонни илк бор истеъмол қилганимдаёқ, унинг лаззатли таъми, хуш бўйи мени лол қолдирган. Бинобарин, мамлакатингизнинг барча ҳудудларида ўзига хос нон маҳсулотлари тайёрланади.

Каролин ЛАМБЕРТ хоним, «Plantrees» компаниясининг савдо бўйича директори (Бельгия):

— Серқуёш Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар ширинлиги, экологик соғлиги ва ранг-баранглиги билан шухрат қозонган. Дунё ўтул-хассислари ўлкангиздаги мезона етиштириш усуллари билан қизиқади.

Бирор мамлакат ҳақида билмоқчи бўлсанг, унинг бозорларини бориб кўр, дейишди. Ўзбекистоннинг тўкин бозорлари мамлакатингиз иқтисодий салоҳиятининг ёрқин кўзгусидир.

Ўзбекистонга ҳар келганимда бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан ҳайратланаман. Самарқанддаги меъморий обидалар ва тарихий ёдгорликлар бетакорлиги ва маҳобати билан кишига олам-олам завқ бағишлайди. Мамлакатингиздаги осуда ва фаровон ҳаёт, одамларингиз юзиданги самимий табассум ва бахтиёр нигоҳлардан қувват оламан.

Дар ЯП хоним, «Junction Xervices» компанияси ижрочи директори (Сингапур):

— Ушбу халқаро конференцияда иштирок этаётганимдан хурсандман. Мамлакатингизга биринчи марта келишим. Ўзбекистон тўғрисида кўп ўқиганман. Лекин уни ўз кўзин билан кўришнинг завқи бошқача экан. Тошкентни томоша қилиб, қадимий

ва бой маданиятингиз, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, Ўзбекистонга мафтун бўлиб қолдим. Кўчалар озода, бозорлар тўкин. Жаннатмонанд заминингизда етиштирилган ширин-шакар ноз-неъматлардан баҳраманд бўлдик. Уларнинг таъми бир умр оғзимда қолади.

Йигирма йилдан буён иш юритаётган компаниямиз ичимликларни сақлаш, нон маҳсулотлари ва таом тайёрлашда фойдаланиладиган, дунёнинг нуфузли компанияларида машҳур брендлар остида ишлаб чиқариладиган техника ва технологиялар, ускуналарни етказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Конференция асосида пойтахтингизда ўтаётган «Uzbekistan Agrominitech Expo – 2014» IX Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг «Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2014» III Халқаро кўргазмасида маҳсулотларимиз, тақдиф ва хизматларимиз билан қатнашқимиз. Ушбу кўргазмалар Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати изчил ривожланиб бораётганидан далolat беради. Ўзбекистон иқтисодиёти катта салоҳиятга эга. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Тошкентда ўтажак халқаро конференция Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари, заҳира ва салоҳияти билан янада яқинроқ танишиш, жаҳон озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, замонавий агротехнологияларни жалб этиш, инфратузилма ва логистика тизимларини тақомиллаштириш, сармоядорлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, фикр ва тажриба алмашишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бугунги куннинг гоят долзарб масаласига бағишланган конференция ташаббускори Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдираимиз.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

Тадбирлар

ҲАР БИР ФАРЗАНД –
МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Мирзо Улуғбек туманидаги «Шўртёпа» маҳалласида жойлашган «Қўшхонор» тўйхонасида «Бола кўзи билан кўринг дунёни» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир туман ҳокимлиги, Маънавий тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилди.

Шу кунги туманда истиқомат қилувчи 200 нафар имконияти чекланган болалар учун байрам дастурхони ёзилди, маданий дастур намойиш этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда навқирон авлодни тарбиялаш мақсадида изчил олиб борилаётган давлат сиёсати — таълим-тарбия, санъат, тиббиёт, спорт ва бошқа соҳалардаги ишхўрлар ўзининг самарасини бераётгани, шу билан бирга мамлакатимизда имконияти чекланган болаларга кўрсатилган юксак эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида уларнинг жамиятнинг тенг аъзолари деб билиш учун шарт-шароитлар яратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

«Бола кўзи билан кўринг дунёни» деб номланган тадбир тумандаги имконияти чекланган болаларнинг кайфиятларини кўтариш, уларга маданий ҳордиқ чиқариш имконияти яратиш, маънавийларини янада юксалтириш мақсадида ўтказилди, — дейди Маънавий тарғибот маркази туман бўлими етакчи мутахассиси Лола Юсупова. — Биз

уларнинг юзларидан кулгу ари-маслигини, келажақда юрт қорига ярайдиган авлод бўлиб етиш-шиларини тилаймиз.

— Ташкил этилган маърифий тадбир менга жуда ёқди, — дейди Анвар Муқимов. — Инглиз ва рус тилларига қизиқишим кучли, бунга сабаб бўвим ва бобом ўқитувчи бўлишган. Мен ҳам келажақда улар каби ўқитувчи бўлиш ниятидаман.

Тумандаги 2-сонли мусика мактабидан ташриф буюрган гуруҳлар ўз рақслари билан бола-жонларни кўташди. Элимиз севган хонандаларнинг куй-қўшиқлари, дилбар рақслар тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади. Мирзо Улуғбек тумани «Баркамол авлод» болалар марказининг турли тўғарақлари қатнашчиларни томонидан юмшқ ўйинчоқлар, либослар дизайни, муноқли безак ишларидан кўргазма ташкил этилди.

Шунингдек, тадбир доирасида «Юксак маънавиятли авлод» фестивалининг Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олган ўқувчи-ёшлар Маънавий тарғибот маркази туман бўлими томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Тадбир сўнггида болаларларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Зиёда АБДУРАХМОНОВА



Танловлар

ЭНГ ИБРАТЛИ МАСЛАҲАТЧИ

Бугун мустақил дёғиримизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўлланма имкониятлар амалга оширилмоқда. Бунда албатта халқимизнинг бой тарихий тажрибаси, миллий ўрф-одат, аъёна ва қадриятларимизни ўзда мукассам этган ноёб тузилма — маҳаллалар ҳам фалол иштирок этмоқда.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси А. Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Турдиқулов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Ж. Иноғомовлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлими маҳаллаларнинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила-ларни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қўйслаб бўлмагани, 2004 йилдан бошлаб фуқаролар йиғинларида жорий қилинган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам тарихан таркиб тоилган миллий қадриятларни ҳамда «обод турмуш» ғоясини кенг тарғиб этишда, маҳалланинг нуфузини янада ошириш, фаолият йўналишларига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда кенг қамровли ишларни амалга ошираётгани ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Айтиб ўтиш жоизки, айни кунларда шахримиздаги 475 та маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича фаолият юритиб келаётган маслаҳатчилар вазифасига ҳаёт таърибига эга бўлган, аҳолига, айниқса ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний аъёналар ҳамда ўрф-одатларни ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган бўлиб ва фалол хотин-қизлар сайланган. Маслаҳатчилар томонидан зиммаларидаги вазифалар ижросини таъминлаш борасида тизимли тарзда амалга ошириётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, уларни рабатлантириш, муносиб тақдирлаш, шу билан бирга юқубий иш таърибларини кенг омалаштириш мақсадида ҳар йили «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловини ўтказиб келинади. Бу йилги танлов «Соғлом бола йили» Давлат дас-

Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

тури ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 25 февралда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги дастурига асосан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими томонидан шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавий тарғибот маркази, Халқ таълими бош бошқармаси каби бир қатор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

Танловнинг шаҳар босқичида туманларда қилиб бўлган ўн битта маслаҳатчи ўрта шарт бўйича билим ва маҳоратларини намойиш этиб, беллашди. Улар маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар, оилаларни ўрганишда аниқлашган муаммоларни ҳал этишда тажрибалари ва ўз ҳудудларидаги ижтимоий соҳа вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни юзасидан тайёрланган тақдиротларини намойиш этидилар. Бунда маслаҳатчиларнинг фикр-мулоҳазалари, дунёқараши, ҳозиржавоблиги, тез фикрлаши баҳоланди. Шунингдек, маслаҳатчилар Ўзбекистон Республикасининг янги таърибдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 октябрдаги қарори билан тасдиқланган янги Низомга қиритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан савол-жавоблар орқали ўз билим ва қўнимчаларини намойиш қилдилар. Тадбир давомида маслаҳатчиларнинг иш фаолиятига оид ҳужжатлар, фотоальбомлар, плакат, стендлар ҳамда ҳунармандчилик ишлари кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Қизиқarli ва мазмунли ўтган танловда биринчи ўрин Чилонзор туманидаги «Катта Хирмонтепа» маҳалласи маслаҳатчиси Шарофат Абдиевага насиб этди, иккинчи ўринга Яққасарой туманидаги «Яққасарой» маҳалласи маслаҳатчиси Моҳира Алимаҳмомова, учинчи ўринга Шайхонтоҳур туманидаги «Ўлобод» маҳалласи маслаҳатчиси Раҳбар Усмоновлар муносиб деб топилди. Турли

номиниациялар қилиблар ҳам аниқланиб, муносиб тақдирланди.

— Маҳаллалардаги тинчлик-ҳотиржамлик, оилалардаги аҳиллик-тоғувлик фарзандларимиз қамоллида акс этади. Чунки она Ватанимиз — азиз остонамиз, туғилган обод ва озода бўламиз — маҳалламиз, оиламиз тинч экан умримиз узун, ризқимиз бутун бўлади, орзу-ниятлар билан фарзанд ўстирамиз, уларнинг ақли баркамол, эртасининг нурафшон бўлишини тилаймиз, — дейди танлов қилиб-си Раҳбар Усмонов. — Мен ўз фаолиятимда мана шу тамойилларга таянган ҳолда, масъулият билан иш юритаман. Истайманки ўсиб келаётган ёшлар оиланинг муқаддаслиги, она Ватанимиз бебаҳо, тенглиги йўқлиги, уни ёмон қўлардан асраш кераклигини доимо ёдда тутиб ўлайсизлар. Бугунги муқофотни маҳалладошларимиз ҳам тегишли деб биламан. Чунки ўзаро яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз учун ҳам мана шундай муваффақиятларга эришиб келмоқдамиз.

— Эътиборлиси ўшбу танловда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлимида фаолият юритаётган маслаҳатчилар ишларини мувофиқлаштирувчи ҳодимларнинг меънатлари ҳам муносиб баҳоланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлимининг етакчи мутахассиси Мунира Арипова. — Улар сафида борлигидан хурсандман. Қилинган меҳнатнинг ҳисли жуда ширин бўлади. Қадр топсанг янада яхшироқ натижаларга эришишга интиласан. Биз жамоамиз билан шундай фикрдамиз. Юртимиз тинч, ниятларимиз ҳамиша ижобат бўлсин, фарзандларимиз бундан юксакларни қўлаб иш юритишсин.

Барчада яхши кайфият уйғотган ўшбу танлов сўнггида Ғуломқон Ёқубов, Азим Муллахонов, Абдулла Шомарулов, Достон Убайдуллоев, Даврон Эргашев каби элимиз сўйган санъаткорлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан даврга янада фойз қиритдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа
Ислом Исмоилов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА
МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
1	Тошкент Ирригация ва мелiorация институти қошидаги «Интернэшнл Хаус Тошкент» академик лицейи	Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниязйиш кўчаси, 39-уй
2	Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи	Сергели тумани, Сергели-3, 49-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажы 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажы талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажы талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза.
- 2.Сўровнома (справка-объективка).
- 3.Таржимаи ҳол.
- 4.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси.
- 5.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
- 6.Паспорт (нусхаси).
- 7.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
- 8.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ ЎРТА-МАХСУС,
КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига		
1.	Шайхонтоҳур саноат касб-хунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур шоҳ кўчаси, Шайхонтоҳур тор кўчаси, 10-уй

Малака талаблари: ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажы 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас.

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига		
1.	Шайхонтоҳур саноат касб-хунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Шайхонтоҳур шоҳ кўчаси, Шайхонтоҳур тор кўчаси, 10-уй

Малака талаблари: академик лицей, касб-хунар коллежининг таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажы 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза.
- 2.Сўровнома (справка-объективка).
- 3.Таржимаи ҳол.
- 4.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси.
- 5.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
- 6.Паспорт (нусхаси).
- 7.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
- 8.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси сайланиш мuddати тугаган, танловдан ўтгунга қадар лавозимга тайинланган педагог ходимларнинг лавозимларини қайта эаллаш учун, шунингдек бўш (вакант) кафедралар мудири, профессор-ўқитувчилар лавозимларини жамлаш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:

Кафедра мудириларига:

- ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур.
- Йўналиши бўйича камида 5 йиллик самарали иш стажыга эга бўлиши зарур.

Профессорларга:

- ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур.

Доцентларга:

- ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан номзоди илмий даражасига, доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур.

Катта ўқитувчи ва ўқитувчиларга:

- Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажыга, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва қўнимчаларга эга;
- Олий маълумотга эга бўлиши зарур.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:

- Ректор номига ариза;
- сўровнома;
- таржимаи ҳол;
- 1 дона 4x5 ҳажмдаги фотосурат (сўровномага ёпиштирилган ҳолда);
- иш жойидан тавсифнома (ҳужжат топширунгга қадар ишлаган бўлса);
- олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
- кафедра мудири, профессор номзодларига;
- фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- чоп қилинган илмий ишлари ҳақида маълумотлар;
- меҳнат дафтарчасининг ксеро-нусхаси.

Эълон чиққан кундан бошлаб ҳужжатлар бир ой давомида қабул қилинади.

Ҳужжатлар: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 3-уй, Солиқ академияси биноси 210-хонада қабул қилинади.

Телефон: 217-44-87.

БОЛАЛАР КУЛГУСИ
ОЛАМНИ ТУТСИН

Унда имконияти чекланган болаларнинг ва бошқа иштирокчилар учун байрам дастурхони ёзилди, концерт дастури уюштирилди.

— Байрамда иштирок этаётган азиз болаларнинг юзидаги табассум, қалбидаги қувонч ҳисларини кўрган инсоннинг бахри-дилли очилиди, — дейди ногирон болалар учун 1-сонли «Муруват» уйининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Шоира Шермухамедова. — Бугунги кунда юртимизда ногиронларни жамиятга интеграция қилишнинг мустаҳкам пойдевори яратилди ва ўшбу йўналишда давлат органлари, кенг жамоатчилик, республикамизнинг ҳар бир фуқароси мақсадли ишларни амалга оширмоқда.

Хайрия тадбирига турли ташкилотлар вакиллари болалар учун совғалар билан ташриф буюрди.

Зафар НАЗАРОВ

№	Кафедралар
Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси	
1.	- кафедра мудири - 1 нафар;
2.	- доцент - 2 нафар;
3.	- профессор - 2 нафар;
4.	- катта ўқитувчи - 1 нафар;
5.	- ўқитувчи - 1 нафар.
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси	
6.	- профессор - 1 нафар.
Молия ва кредит кафедраси	
7.	- кафедра мудири - 1 нафар;
8.	- катта ўқитувчи - 1 нафар;
9.	- ўқитувчи - 1 нафар.
Иқтисодий фанлар кафедраси	
10.	- кафедра мудири - 1 нафар;
11.	- профессор - 1 нафар;
12.	- катта ўқитувчи - 1 нафар;
13.	- ўқитувчи - 1 нафар.
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси	
14.	- кафедра мудири - 1 нафар;
15.	- доцент - 1 нафар.
Юридик фанлар кафедраси	
16.	- профессор - 1 нафар;
17.	- доцент - 1 нафар;
18.	- ўқитувчи 1 нафар;
19.	- катта ўқитувчи - 1 нафар.
Тиллар кафедраси	
20.	- кафедра мудири - 1 нафар;
21.	- катта ўқитувчи - 1 нафар;
22.	- ўқитувчи - 1 нафар.
Информацион технологиялар кафедраси	
23.	- профессор - 1 нафар;
24.	- ўқитувчи - 1 нафар.
Жисмоний тарбия кафедраси	
25.	- кафедра мудири - 1 нафар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi «Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида «Серкўёш хур ўлкам!» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган «Баркамол авлод» болалар марказларининг ғолиб жамоалари иштирок этди. Танлов уч босқичида ўтказилиб, умумтаълим муассасаларининг 6-9-синфларида тахсил олаётган ўқувчилар қатнашди.

«Серкўёш хур ўлкам!» кўрик-танлови ёш авлодга Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, халқимизнинг бой маданий меросини ўргатиш, ўлкашунослик ва ўзлиқни англаш ғояларини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга.

— Ушбу кўрик-танловнинг аҳамияти катталигини таъкидлаш жоиз, — дейди «Баркамол авлод» Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказининг мониторинг ва маданий оммавий тадбирларни ташкил этиш гуруҳи раҳбари Гулҳеҳра На-

Танловлар

СЕРКЎЁШ ЎЛКА ТАРАННУМИ

биева. — Ўқувчиларни ватанпарвар, миллий ва маънавий қадриятларга содиқ инсон сифатида тайёрлаш, улар ўртасида дўстлик ва ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш жуда муҳим. Кўрик-танлов миллий қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқоди ва қарашларига эга бўлган ўқувчиларни тарбиялаш, шунингдек, Ўзбекистон ўлкасининг бой маънавий ва моддий бойлиқларини библиши ҳамда уларда ўз юртидан фахрланиш туйғуларини ривожлантириш, ўлкашунослик йўналишидаги

тўғарак аъзоларининг ижодий излашларини жонлантириш, қишлоқ ҳудудларида жойлашган таълим муассасаларининг иқтидорли, истеъдодли ўқувчиларини кашф этиш ҳамда уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида ўтказилмоқда. Эркин мавзуда ўқувчиларнинг бадиий, эстетик ва санъат соҳасидаги малакалари синовдан ўтказилди, кўп йиллик халқ оғзаки ижоди намуналари (қўшиқлар, лапарлар, ёр-ёрлар, айтишув, достонлар) иштирокчилар томонидан театрлаштирилган услубда қуйланди.

Иштирокчилар «Серкўёш хур ўлкам!» мавзусида тақдирот ўтказишди, шунингдек, ўқувчилар томонидан яратилган ишлар, уларнинг ўлкашунослик йўналишида олиб борган фаолияти намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилди, деворий газеталар, эркин мавзу ҳамда тест синовлари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намоён этдилар.

Танлов натижасига кўра Тошкент вилоятининг «Турон» жамоаси 1-ўрин соҳиби бўлди, Самарқанд вилоятининг «Афросиёб» ҳамда Сирдарё вилоятининг «Богистон» жамоалари 2-ўринни, Қашқадарё вилоятининг «Шалла», Наманган вилоятининг «Ёш ўлкашунослар», Сурхондарё вилоятининг «Ёш эколог» жамоалари 3-ўринни эгаллашди.

Ғолиб ва фаол иштирок этган жамоалар «Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан эсдалик совғалари ва диплом билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

Шаҳримиз туманларидаги оилавий поликлиникаларда терапевтлар учун «Умумий амалиёт шифокорлари фаолиятида кардиология ва пульмонологиянинг долзарб масалалари» мавзусида семинарлар ўтказилмоқда. Бугунги кунга Яқкасарой ва Учтепа туманларида шундай семинарлар ташкил этилди.

«САЛОМАТЛИК-3» ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА СЕМИНАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида уюштирилган семинарларда терапевтларга терапиянинг долзарб масалалари юзасидан 9 та йўналиш — педиатриянинг долзарб масалалари, репродуктив саломатлик, умумий шифокорлик амалиётида терапия, қулоқ, томоқ, бурун, эндокринология, онкология, жарроҳлик ва офтальмология бўйича билимлар берилиб, тренер макрамига эга бўлдилар ва уларга сертификатлар топширилди. Семинарларда малака оширган терапевтлар келгусида ўз туманларида умумий амалиёт шифокорлари учун уч кунлик семинарларни шу мавзуда ташкил этиб, олинган билимларни УАШ-лари амалиётда қўллашларини мониторинг қилиб борадилар. Бу эса бирламчи тизимда тиббий ҳужжатлар юритилишининг сифати яхшиланиши, касалликларнинг эрта аниқланиши ва уларни самарали даволашда муҳим омил бўлади.

Долзарб мавзудаги анжуманлар шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Кўргазмалар

ЕР КУРРАСИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН

Ҳар йили Республика умумтаълим мактаби ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида анъанавий тарзда расмлар кўрик-танлови ўтказиб келинади.

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган республика расмлар кўрик-танловининг якуний босқичи ва Камилла Сағатованинг шахсий кўргазмаси «Ер куррасида тинчлик» деб номланди.

Ундан кўзланган асосий мақсад болаларнинг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини янада ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг тасвирий санъатга ва бадиий ижодга бўлган қизиқиш ва эътиборини мустаҳкамлашдан иборат.

Айтиб ўтиш жоизки, кўрик-танлов икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичи апрель-май ойларида ўтказилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари қатнашди. Бунда 9 нафар ғолиблар ва 6 нафар номинатиялар бўйича ғолибларнинг энг яхши ишлари танловнинг якуний босқичида эълон қилинди. Бири берида чиройли расмлар таникли профессионал рассомлардан ташкил топган юқори малакали ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди. Танлов 3 та ёш тоифаси бўйича ўтказилди. Жумладан, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар иштирокида 424-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси София Богирова, 7 ёшдан 11 ёшгача ўғил-қизлар орасида Самарқанд шаҳридаги 35-умумтаълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Фарзона Мажидий, 12 ёшдан 15 ёшгача ўқувчилар ўртасида Жиззах шаҳридаги 4-сонли мактабининг 6-синф ўқувчиси Мухаммад Норматовлар биринчи ўринни қўлга киритишди.

Маълум қўрик-танловда иштирокчилар ўзларининг ижод намуналарини билан юрт тинчилиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ҳақидаги тушунчалари ва тасавурларини баён қилишди. Танловнинг номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки, Ер куррасида тинчлик бўлишини ҳамма хоҳлайди, ана шу эзгу истак оғушида вояга етган ҳар бир бола табиийки, тинчлик ва оқойишталикнинг қадрини англаб, унга ўз ҳиссасини қўшишни истайди.



«Ер куррасида тинчлик» расмлар-кўрик танлови болаларнинг ижод дунёсига қадам қўйишлари учун қайсидир маънода замин яратди. Болаларнинг ижод намуналарини кузатар экансиз, ҳар бир боланинг бир олам эканлигига амин бўласиз. Ўз расмлари орқали улар дунёга, Ватанимизга тинчлик тилашмоқда бўлди.

Кўргазмада Тошкент шаҳрида ижод қилаётган иқтидорли, ёш рангтаъсир устаси Камилла Сағатованинг ҳам наторт, пейзаж, компьютер графикаси жанрларидаги турли-туман асарлари тақдим этилган. Эркин рангларга бой асарларда она юртва, унинг меҳнатсевар халқига бўлган юксак муҳаббати ўз ифодасини топган.

Муаллиф ижодида тафаккур тарзининг ўзига хослиги, яратилган асарлар йўналишининг бетакорлиги каби ҳислатлари билан бошқалардан ажралиб туради.

Тадбир сўнгида ташкилотчилар томонидан ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хабийба ЙЎЛДОШЕВА

СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа
Алексей Попов олган сурат

Пойтахтимиз кундан кун чирой очиб, гуллаб-яшнамоқда. Боғу роғлар, кўчалар ва бинолар атрофидagi кўкаламзорлик, шакл берилган дарахт ва деворий гуллар шаҳримиз кўрклигига кўрк қўшмоқда.

ШАҲРИМИЗ ОБОДЛИГИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Аммо баҳор фаслининг сўнги кунларида ёғиб ўтган кучли ёмғир ўт-ўланлар, кўча ва хиёбонлардаги кўкаламзорларнинг тез ўсиб кетишига таъсир қилди.

Натижада сарғайиб қуриган ўт-ўланлар ҳам кўпайди. Бундан ташқари, ёз мавсуми бошланиб, кунлар исийи натижасида ўсиб кетган ўт-ўланлар ҳам қуриydi. Бу эса турли таъсирлар натижасида ёнғин хавфини келтириб чиқариши мумкин. Шу боис барчада муссоний пойтахтимиз тозаллиги, кўркамлиги ва янада чирой очилиши учун бирдек ҳаракат қилайлик, қуриган ўт-ўланларни ўриб, кўчаларимизни тартибга солайлик. Зеро, озодлик ва саришталлик кўнгли хотиржамлиги ҳамда қайфиятимизни яхшилаши билан бирга ёшларимизнинг ахлоқий тарбиясига ҳам ижобий таъсир этади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, кўчаларимиз ва уйларимиз ён-атрофини тартибга келтириб, саранжом-саришта этайлик. Сизнинг бу йўлда қилган ҳар бир ишнингиз шаҳримизнинг гуллаб-яшнаши ва батариб бўлишига, ёнғин хавфсизлигининг олдини олишга қўшган ҳиссангиз бўлади.

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИНИ БЕРАДИ

Маълумки, пойтахтимиз ҳудуди орқали ўнлаб дарё, канал ва анҳор сувлари оқиб ўтади. Бундан ташқари, деярли ҳар бир истироҳат боғида чўмилиш масканлари фаолият кўрсатади. Ёзи мавсумида ҳаво ҳарорати ошгани сари бу масканларнинг ён-атрофи одамлар билан гавжум бўлади.

«Офат рўй бермай туриб, унинг олдини олган афзал» деганларидек, сувда чўкиб кетиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик, бундай қўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари пойтахт ҳудудидagi мавжуд очик ва ёпиқ сув ҳавзалари, дарё, канал ва анҳорларда хавфсизлигини кўчатиришга доир кенг қўламли муҳофаза тадбирларини бошлаб юборишди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Тошкент шаҳар ФВБ бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Раҳмонқулов томонидан Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Элёр Акбаровга сувда чўкиб кетиш билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида пойтахтда фаолият кўрсатаётган барча таълим муассасаларининг таътилга чиқаётган ўқувчиларидан диққатлар ёддирлиш ва уларнинг ота-оналаридан қафолат хатлари олишни сўраб муурожаат қилинган эди.

Тез орада Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Элёр Акбаровдан жавоб хати олинди. Унда бош бошқарма томонидан ўзбек ва рус тилларида тайёрланган диққат матнлари барча туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари орқали таълим муассасаларига етказилгани, умумтаълим мактабларининг 1-4- ҳамда 5-синф ўқувчилари ўртасида «Сувда ва сув бўйида ўзини тутиш қоидалари», 6-7-синф ўқувчилари ўртасида «Ўзгани билан бўлиш», 8-9-синф ўқувчилари ўртасида «Нептун насиҳатлари» мавзуларида диққатлар ўтказилгани баён этилган. Шунингдек, таълим муассасаларида малакали мутахассислар, жумладан, тиббиёт ходимлари, синф раҳбарлари иштирокида сувда ўзини тутиш ва сузиш қоидалари хусусида давра суҳбатлари ташкил этилгани кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, жавоб хатидаги иловага кўра, пойтахтдаги 11 та туманининг барчасида, яъни 291 та таълим муассасаларидан таътилга чиққан жами 268435 нафар ўқувчилардан диққат ёддирлигани ва уларнинг ота-оналаридан қафолат хатлари олингани маълум қилинган.

Уйлашимизки, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан олиб борилган ҳамкорликдаги бу саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бериб, сувда чўкиб кетиш билан боғлиқ қўнғилсиз ҳодисаларнинг кескин камайиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Азамат СУЮНОВ

«101»

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Ҳаётимизни зангори оловсиз тасаввур этиш қийин. Ундан тўғри фойдаланиш, маълум қоидаларга қатъий амал қилиш хавфсизлигимизни таъминлайди. Кимнингдир эътиборсизлиги оқибатида чиққан ёнғин оилага, давлатга катта моддий зарар етказиши аниқ.

Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнғичи сувоқиларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гўгўрт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи сабаблардан саналади. Айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Лак, бўёқлар, мебоеллар, синтетик кийимлар шулар сирасига қиради. Ҳозир кўп қўлланиладиган қимматли моддалар, қанчुक ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёниш билан бирга ўзидан қўлаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради.

Шу ўринда ҳамшаҳарларимизга эслатиб қўйиш жоиз. Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш лозим. Бундан ташқари газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камиди бир мартаба тозаланиши мумкидир.

Бугунги кунда ёнғинга қарши қураиш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситалари самарали қўлланилмоқда. Ана шу воситалар орасида ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан хабар беришчи воситалар, назорат мосламалари муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, дунёнинг кўплаб давлатларида ёнғин хабарлаш воситалари, назорат мосламалари, қабул-назорат асбобларининг замонавий турларини ишлаб чиқарадиган компанияларнинг маъноси юқори туради.

Республикамизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳорижий ҳамда корхоналаримизда ишлаб чиқарилган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларида бўлган талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнғин туфайли келиб чиқадиган моддий, одамларнинг ҳаёти, соғлиғига етказилган зарарнинг олди олинди. Шу туфайли ҳам бугунги кунда хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини юқори даражага етказиш мумкидир.

Мурод ТУРСУНОВ,
12-ХҲО 24-ХҲК кичик инспектори,
кичик сержант

 ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ	30-32 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 5 ва 6 июнь
Тошкент шаҳрида 5 июнь кунги ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайдиган. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тезлик-да шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи —	эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратди, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълоплар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.ru

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11961 нускада босилди.
Қорғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.20